

RESEARCH OF COTTON MECHANIZATION WITH MOBILE RECEPTION-TRANSFER DEVICE

Negmatov Bosithon Izzatillaevich¹,

Zhumaniyazov Step 2,

1. Independent researcher, Namangan Institute of Engineering and Technology,

2. Doctor of Technical Sciences, Professor, JSC "Scientific Center of Cotton Industry".

Annotation. The reliability of the process of mechanical spinning of cotton on the receiving and transmitting device was studied, experimental research was carried out on selected cotton varieties C-6524 I and III. The actual weight of the first grade cotton in the cart with the cart trailer was 1.4-1.6 tons, the actual weight of the third grade cotton was 1.9-2.1 tons. By making adjustments to the theoretical calculations, it was learned that the actual capacity of the bunker for dumping 2 tons of cotton should be 7.8 m³, for dumping 1.5 tons of cotton - 6.4 m³. Taking into account these factors, it is necessary to increase the capacity of the receiving hopper to 14 m³, to separate the front side of the conveyor, and to use a special moving bar to prevent the process of spilling on the surface of the conveyor.

Keywords: Cotton, receiving device, spreading factor, hopper, cart, motor vehicle, conveyor, mechanization, capacity, new, moisture, experience, weight, surface.

ҚҰЧМА ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ-УЗАТУВЧИ ҚУРИЛМАГА ПАХТАНИ МЕХАНИЗАЦИЯ УСУЛИДА ТҮКИШ ТАДҚИҚОТИ

Негматов Боситхон Иззатиллаевич¹,
Жуманиязов Қадам²,

1. Эркин тадқиқотчи, Наманган мұхандислик-технология институти,
2.т.ф.д., профессор, “Пахтасаноат илмий марказы” АЖ.

Аннотация. Қабул қилувчи-узатувчи қурилмага пахтани механизация усулида түкиш жараёнининг ишончлилиги ўрганилди, тажриба тадқиқот ишлари С-6524 селекцияли пахтани I ва III навларидан ўтказилди. Арава прицепи билан пахта бўлганда аравадаги I навли пахтанинг ҳақиқий оғирлиги 1,4-1,6 тонна, III навли пахтанинг ҳақиқий оғирлиги 1,9-2,1 тоннани ташкил этди. Назарий хисоблашларга тўғирлашлар киритиш орқали 2 тонна пахтани тўкиш учун бункернинг ҳақиқий сифими 7,8 м³, 1,5 тонна пахтани тўкиш учун 6,4 м³ бўлиш кераклиги ўрганилди. Ушбу омилларни инобатга олган ҳолда қабул қилувчи бункер сифимини 14 м³ гача катталаштириш, конвейер олди томонини ажраладиган қилиш, конвейер юзасида эса пахтани қабул қилишда тўкилиш жараёни олдини олиш учун маҳсус қўзғалувчан планкани қўллаш мақсадли эканлиги аниқланди.

Калит сўзлар: Пахта, қабул қилувчи қурилма, ёйилиш коэффициенти, бункер, арава, автотранспорт, конвейер, механизация, сифим, нав, намлик, тажриба, оғирлик, юза.



Ҳозирги вақтда республикамизни пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати корхоналарида пахтани қайта ишлаш технологик жараёнларида пахтани ташиш узатиш ишларида анча қийинчилкларга дуч келинади. Маълумотларга кўра, пахтани ишлаб чиқариш жараёнларида пахтани ташиш ушбу қабул қилувчи –узатувчи қурилмага боғлиқ жараён ҳисобланади. Ушбу мақолада пахта қабул қилувчи узатувчи курулмаларидан самарали фойдаланиш имкониятлари ўрганилган.

Қабул қилувчи-узатувчи қурилмага пахтани механизация усулида тўкиш жараёнининг ишончлилигини ўрганиш учун тажриба тадқиқот ишлари корхонага автотранспортларда келтирилган С-6524 селекцияли пахтани I ва III навларидан ўтказилди. Бунда автотранспорт аравасидаги I нав пахтанинг намлиги ўртacha 8,7 % ни III нав пахтани намлиги ўртacha 12,1 % ни ташкил қилди. Арава

прицепи билан пахта бўлганда аравадаги I навли пахтанинг ҳақиқий оғирлиги 1,4-1,6 тонна, III навли пахтанинг ҳақиқий оғирлиги 1,9-2,1 тоннани ташкил этди. Тажриба ўтказиш даврида аравадан пахтани тўлиқ конвейерга туширишда қўйл мөхнатидан фойдаланилганлиги инобатга олинди.

Тажриба кўрсаткичларига математик ишлов берилди. Натижада бундай турдаги қурилмага пахтани тўкишда ёйилиш коэффициенти ўртача 1,31 ни ташкил этиши аниқланди. Назарий хисоблашларга тўғирлашлар киритиш орқали 2 тонна пахтани тўкиш учун бункернинг ҳақиқий сифими $7,8 \text{ m}^3$, 1,5 тонна пахтани тўкиш учун $6,4 \text{ m}^3$ бўлиш кераклиги ўрганилди.

1- расмда қурилма қабул қилувчи бункери сифимини инобатга олган ҳолда транспорт аравасидан пахтани фоиз ҳисобида механизация усулида қабул қилишдаги тажриба кўрсаткичлари гистограмма кўринишида келтирилган. Қабул қилувчи бункер сифимининг 6 m^3 дан 9 m^3 гача катталашишида аравалардан пахтани механизация усулида қабул қилиб олиш кескин ошади. Ўртача 1,5 т. пахтани аравадан туширишда қабул қилиш механизацияси 56 % дан 80 % га ошади. 2 т. пахтани қабул қилишда эса 14,2 % дан 72,7 % га ошади.



- a). Транспорт аравасидаги пахтанинг оғирлиги 1,5 т. бўлганда
 - б). Транспорт аравасидаги пахтанинг оғирлиги 2,2 т. Бўлганда
- 1- расм. Кўчма қурилма бункер хажмини инобатга олган ҳолда транспорт аравасидан механизация усулида пахтани тушириш гистограммаси.

Бункер сифими 14 m^3 га катталаширилганда ҳамма кўрсаткичларда пахтани қандай ҳолатда бункерга тўкишидан каттий назар тўлиқ механизация усулида пахтани қабул қилиш жараёни амалга ошади.

Шундай қилиб, назарий томондан ўрганилган қўчма қурилмада автотранспорт аравасидан паҳтани қабул қилувчи конвейерга механизация усулида самарали тушириш конвейер сифимиға боғлиқ эканлиги тажриба тадқиқот ишларида тўлиқ кўрсатди.

Механизация жараёнига қабул қилувчи қурилмага аврасининг аниқ қўйилиши таъсир қиласди. Автотранспорт аравасининг керакли даражада қўйилмаслиги аравадан паҳтани конвейерга тўкишда паҳтанинг бир қисми бункер олди томонига тиқилиб қолади. Бундан ташқари аравадан паҳтани тўлиқ тушмаслиги юзага келиб, аравада қолган паҳтани қўл билан тушириш учун механизация жараёнини тўхталишига сабаб бўлади (1- расм).



1- расм. Аравадан паҳтани тўлиқ тушмасдан механизация жараёнининг тўхталиш ҳолати

Бу омилларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларида қабул қилувчи бункер сифимини 14 m^3 гача катталаштириш, конвейер олди томонини ажralадиган қилиш, конвейер юзасида эса паҳтани қабул қилишда тўкилиш жараёни олдини олиш учун маҳсус қўзғалувчан планкани қўллаш мақсадли эканлиги аниқланди. Олинган натижаларни график тарзда ва жадваллар асосида келтирилди. Кейинги тадқиқотларда ушбу қурилмани барча ишлаб чиқариш корхоналарига ўрнатиш ишлари режалаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Негматов Б.И. Паҳта хом-ашёсини тайёрлаш жараёни бўйича изланишлар. Халқаро илмий-амалий конференция. Мақолалар тўплами. I-том, Наманган. 2021, 22-23 апрел.
2. The Cotton gin and oil mill press. № 30. 2009.
3. Г.И. Мирошниченко. О некоторых физико-механических свойствах хлопка-сырца. Дис...канд.техн.наук.- Ташкент, 1956.
4. B.I.Negmatov, Q. Jumaniyazov, G.O. Qodirova, I.A. Muhammadjonova. Preparation of cotton raw material and analys of its acceptance and delivery mechanisms. Turkish journal of Computer and Mathematics Education. Vol.12 No.13(2021), 3353-3357.
5. G.O. Qadirova, B.I.Negmatov, R.M. Muradov. Study of ways to determine pollution and defects affecting cotton field quality and length. European journal of Agricultural and Rural Education. <https://www.scholarzest.com> Vol.12 No.7, July 2021, ISSN: 2660-5643.
6. Салимов А.М., Лугачев А.Е., Ходжиев М.Т. Технология первичной обработки хлопка. “Адабиёт учқунлари”. Ташкент. 2018. -184 с.